



«Oqtosh Don» Акциядорлик жамиятининг 01.01.2015 йилдан 01.01.2016 йилга қадар бўлган молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви якуни бўйича  
**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Оқтош шаҳри

10 апрел 2016 йил.

**Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:**

**Тулик номи:** «Oqtosh Don» Акциядорлик жамияти  
**Қисқача номи:** «Oqtosh Don» АЖ  
**Ингилиз тилида номланиши:** JSC «Oqtosh Don»  
**Юридик манзил:** Самарқанд вилояти Нарпай тумани  
Оқтош шаҳри Ж.Мирзаев кўчаси 2 уй.  
**Ҳисоб рақами:** 20208000300193765001. АТБ «Агробанк банк» Нарпай филиали  
**МФО:** 00267  
**ХХТУТ:** 19211  
**СТИР:** 200718864  
**Тел:** 0(366) 432-42-53

**Аудиторлик ташкилоти:**

**Ташкилот номи:** МChJ «PROMSTROY-AUDIT» AT  
**Ингилиз тилида номланиши:** AC «PROMSTROY-AUDIT» LLC.  
**Юридик манзил:** Навоий шаҳри, Низомий кўча 24А уй  
**Давлат рўйхатига киритилганлиги:** Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 26 август №394 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда № 1091 сонли давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида ГУВОХНОМА сига эга.  
**Лицензии:** Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 12 январдаги АФ №00720 сонли (Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга рухсат берувчи) ЛИЦЕНЗИЯ сига эга  
**Аудитор:** У.Джуррақулов/ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2015 йил 12 сентябрда берилган №05337 сонли СЕРТИФИКАТ га эга.  
**Асос:** 24.12.2015 йил 03/016 сон шартнома

Биз «Oqtosh Don» Акциядорлик жамияти нинг 01.01.2015 йилдан 01.01.2016 йилга қадар бўлган молиявий хўжалик фаолиятини субъект томонидан тақдим қилинган бухгалтерия ҳисоботлари ва молиявий фаолиятга тегишли ҳужжатлар асосида аудиторлик текширувидан ўтказдик.

**Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект жавобгарлиги**

Аудиторлик текшируви ўтказиладиган, текширув учун субъект томонидан тақдим қилинган бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг тайёрланиши, уларни асословчи ҳужжатларни расмийлаштирилиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган АФМА (Аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари) га мувофиқ ўтказилди. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини таказо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради.

**Аудитор фикри**

Бизнинг фикримизча «Oqtosh Don» Акциядорлик жамияти нинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади деб ушбу ижобий хулоса берилди.

